

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК МАСАЛАЛАРИ

Алимухамевова Нодира Ядгаровна

Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини  
механизациялаш мухандислари институти  
“Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада глобаллашувнинг интеграция жараёнлари шароитида глобал, геосиёсий, этник, миллий муаммоларнинг кескинлашуви кўриб чиқилади. Жамият ҳаётининг асосий соҳаларининг глобаллашуви анъанавий чегараларни аста-секин шаффофлашиб, интеграция жараёнлари маданиятларнинг қўшилишига олиб келмоқда, миллий ўзликни англашнинг ўсиши эса айнан шу вазиятдан ҳимояланиш воситаси сифатида бугунги куннинг энг муҳим масаласига айланди.

**Калит сўзлар:** глобаллашиб, миллат, миллий юксалиш, миллий идентификация, идентиклик, синергетика

**Аннотация:** В статье рассматривается обострение глобальных, геополитических, этнических, национальных проблем в контексте интеграционных процессов глобализации. Глобализация основных сфер жизни общества постепенно стирает традиционные границы, интеграционные процессы приводят к слиянию культур и рост национальной идентичности стала сегодня самым важным вопросом как средство защиты от этой самой ситуации.

**Ключевые слова:** глобализация, нация, национальный прогресс, идентификация, идентичность, национальная идентичность, синергетика.

**Resume:** The article deals with the aggravation of global, geopolitical, ethnic, national problems in the context of the integration processes of globalization. The globalization of the main spheres of society's life is gradually erasing traditional boundaries, integration processes lead to the merging of cultures, and the growth of national identity has become the most important issue today as a means of protecting against this very situation.

**Key words:** globalization, nation, national progress, identification, identity, national identity, synergistics.

Глобаллашиб бораётган бугунги дунёда турли таҳдидлар кучайиб, миллатлараро тўқнашувлар, сиёсий ҳамда иқтисодий муаммолар, миллий-маънавий ҳаётимизга ёд унсурларнинг кириб келиши миллий ўзликни асраш масаласини янада долзарблигини кўрсатади. «Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортиб бормоқда. Дунёдаги айрим сиёсий марказлар томонидан баъзи ҳудудларда сунъий равишда бекарор вазият юзага келтирилмоқда, норозилик кайфиятлари авж олдирилмоқда» [1:295]. Бу шароитларда, миллий ўзликни асраш, миллий манфаатлар йўлида жамият аъзоларини бирлаштириш ва тараққиёт йўналишларини белгилаш муҳимдир. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» мақсади белгиланган бўлиб, бу борада миллий тараққиётнинг концептуал асосларини – мавжуд назариялар, қарашлар ва ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш илмий заруриятдир, чунки «... ҳозирги вақтда ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилиб, уни яхшилаш, такомиллаштириш бўйича самарали механизмларни ишга солишни даврнинг ўзи талаб этмоқда» [1:269]. Шундай экан, миллатнинг шаклланиши, миллий идентификация жараёнларини тадқиқ этишда фанлараро характерга эга бўлган синергетик услубнинг янги концептуал имкониятлари ва миллий тараққиёт стратегиясининг амалиётига таъсири, Ўзбекистон жамиятининг янгиланишида миллий идентификация жараёнини оптималлаштириш йўллари ва имкониятларига эгадир.

Инсоният цивилизацияси динамик характерга эга бўлиб, узоқ тарихий тараққиёт жараёнларида мураккаблашиб борар экан, парчаланиш, ҳалокат, муваффақиятсизлик ва инқирозга мойилликни кўрсатади. Европалик социолог ва файласуф У.Бек ўз асарларида –

«хавф жамияти» ҳақидаги машҳур рисоаларида глобаллашув ҳамда демократия ҳақидаги тадқиқотларга асосланиб, замонавий дунёнинг тартибсиз ва тобора хаотик ҳолатга ўтмоқда, деб баҳолайди. Ҳозирги кунда энг истиқболли фанлараро ёндашувлардан бири синергетика ҳисобланади. Синергетиканинг қонуниятлари ва тамойиллари асосида мураккаб ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш жараёнида, ижтимоий ва табиий ҳодисалар умумий фундаментал асосга эга эканлиги аниқланган. Ижтимоий синергетика билишнинг янги услуби сифатида кенг тарқалар экан, бу борада постсовет маконидаги айрим олимлар янги услубни диалектиканинг инкори сифатида тушунган эдилар. Бизнинг фикримизча, тизимнинг тузилмавий-функционал яхлитлиги сақланган, барқарор ҳолатидаги ўзгариш ва ривожланиш жараёнларини ўрганишда диалектика услуби билиш чегараларини кенгайтирса, тизимдаги тузилмавий-функционал беқарорликдан тортиб, яхлитлигини сақлаб қолиш мақсадида ўз-ўзини ташкиллаштириши ёки тизимнинг парчаланиши, элементларини тартиблиликдан хаосга ўтиши, сўнгра эса янада мураккаб тартибни шаклланиш жараёнларини синергетика услуби ёрдамида билиш имкониятларимиз ошади.

Ижтимоий тизимлар мураккаб диссипатив тизим бўлиб, бу «очик» тизимлар ташқи муҳит билан доимий тарзда модда алмашинуви асосида алоқада бўлади. Замонавий талқинда хаос – тартибсизлик, шаклсизлик, ноаниқлик, структурасизлик, беқарорлик, стихиялилик демакдир. Хаос ҳолатида тизимда қайта ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг бир неча варианты, тармоғи, ҳаракат йўналиши (бифуркация ёки полифуркация) бўлиши мумкин. Бифуркация эволюциянинг янги йўлини танлаш имконияти – «ривожланиш йўналишларининг майдони» да ҳар бир инсондан тортиб барча инсонлар ҳаёти давомида, миллатлар тарихий тараққиёт жараёнларида кўплаб маротаба танловни амалга оширишлари мумкин ва бу зарур. Узоқ тарихий тараққиёт давомида инсонлар, халқлар, давлатлар, жамиятлар «Бир йўлдан воз кечиб, бошқа бир йўлни танлайдилар». Бу танлов маълум бир манфаатлар, демак, идеаллар асосида ҳаракатланувчи инсонлар томонидан амалга оширилган. Бу ҳолда тизимни беқарорлиги турли манфаатлар ва идеалларнинг ўзаро тўқнашуви билан ҳам белгиланиши мумкин. Беқарорлик, флуктуация имкониятлардан бирини танлаш, башоратнинг чекланганлиги синергетик дунёкарашнинг асосини ташкил этади. Флуктуация тизимнинг мувозанат ҳолатидан тасодифий, тартибсиз ҳолда четланиши, деб ҳисобланади. Тасодиф аслида имкониятнинг воқеликка ўтишидаги кўпвариантлик ёки синергетик нуктаи назардан бифуркация ёки полифуркациядир.

Ҳар бир этноснинг келиб чиқиши ва миллатларнинг шаклланиш жараёни ночизикли динамик тизимларнинг ўзаро таъсирида кечган, тўхтовсиз флуктуация жараёнлари натижасида «илк элатлар ..... емирилиб, уларнинг ўрнига бошқа элатлар вужудга келган», яъни бифуркация нуктасида ушбу флуктуациялар тизимни издан чиқаришга ёки тартибни тубдан, сифатий ортга қайтмас ўзгаришларга олиб келган. Динамик тизимдаги тасодифий, эҳтимолий оғишлар, ушбу тизимнинг бошланғич ҳолатидаги минимал ўзгаришлар ва тебранишларга жуда сезувчан бўлиб, ўзаро боғланган бўлади. Ночизикли беқарор тизимларнинг хатти-ҳаракати траекторияси, тизимдаги кўз илғамас, кичик ўзгаришлар сабабли олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган ва мисли кўрилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини исботлаган. Яна бир муҳим масала шундан иборатки, тизим ташқи муҳитдан ҳам бошқарилиши мумкин. Ижтимоий тизимга ташқаридан кириб келаётган модда, энергия ёки ахборот унинг тараққиётига, ёки таназзулига туртки бўлади.

Миллат тизим сифатида доимо беқарорлик ва барқарорлик, тартиб ва хаоснинг бирлиги сифатида юқори даражадаги барқарорликка интилиш натижасида тараққий этади. Биринчидан, миллат мураккаб тизим сифатида беқарорлик ҳолатида элементларининг орасидаги алоқалар, яъни тизим тузилмасининг ўз-ўзини ташкиллаштириши муҳим. Тизимнинг барқарор тараққиёти миллатнинг асосий омили бўлмиш одамларнинг миллий ўзлигини англаши, миллий мансублик ҳиссини қанчалик мустаҳкамлигига боғлиқ. Айнан миллий ўзликни англаш, миллий идентиклик миллат бирлигининг, миллат тузилмаси мустаҳкамлигининг қафолатидир. Иккинчидан, миллатни ўз-ўзини ташкиллаштириши, унинг структуравий элементларининг эҳтиёжлари ва манфаатлари, инсон ва жамоанинг кадриятлар ориентацияларини

уйғунлаштириш оркали улар орасидаги муносабатларни уйғунлигига қаратилади. Учинчидан, миллатни ўз-ўзини ташкиллаштириш оркали тараққиётнинг узлуксизлиги таъминланар экан, бу жараённинг асосий субъекти, миллати учун жон кўйдирган, миллий ғурурни ҳис этган, миллатпарвар, ватанпарвар, миллатни сақлаб қолиш масъулиятини ҳис қилган «пассионар» инсонларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятига боғлиқ. Бифуркация нуқталари оралиғида флуктуациялар – ғошилар кейинги тараққиёт йўналишларини белгилаб беради, ижтимоий ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларида миллий ўзлигни англаган, миллатга масъулигини тўлиқ англаган ва ҳис этган инсонларнинг танлови муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги глобаллашаётган дунёнинг ғоявий манзараси тубдан ўзгариши умумбашарий ахлоқ, глобал тафаккур ва глобал идентикликни, ҳатто «ҳиссиётларнинг глобаллашуви»ни шакллантирмоқда. У.Бек таъкидлайдики: «Мен кимман? Менинг ватаним қаерда? – деган саволга энди оддий ва умрбод ўзгармас жавоб йўқ. Турли хил идентиклик шакллари ва ўзига хослик қатламлари мавжуд бўлгани каби энди кўплаб жавоб вариантлари мавжуддир. Жавобни қай бирини танлаш ҳар бир алоҳида ҳолатда устувор бўлган ташқи шароитларга, шунингдек, индивиднинг интилишлари ва мақсадларига боғлиқ бўлади». Миллий идентиклик миллий давлатлар легитимлигининг ядросини ташкил этар экан, миллатнинг умумий ўтмиши, тарихий тақдирнинг бирлиги ҳақидаги тасаввурларни шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Миллат вакилларида бирлик ҳисси мавжуд экан, халқлар миллий ўзига хослигини сақлаб қолишга интиладилар. Жамият аъзолари миллий идентикликни синфий, диний, маҳаллий фарқлардан юқори кўяр экан, миллат ҳам мавжуд бўлади.

Идентиклик латин тилида *identifico, identus* – айнанлик, мансублик, ўхшашлик, монандлик маъноларини билдиради. «Идентиклик атамаси – шахс томонидан ўзининг қайси социал гуруҳга мансублиги ҳамда шу социал гуруҳ доирасида ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маиший, ахлоқий стереотипларга амал қилинишидир»[2:41-42]. Идентиклик идентификация жараёнида шаклланади. Зигмунд Фрейд томонидан идентиклик атамасини тушунча сифатида биринчи бор қўлланган ва ушбу тушунча ортида олим этник идентикликни назарда тутган эди[3:28]. Э.Эриксон идентикликни «одам томонидан ўзининг «Мен»нинг яхлит қиёфасини турли хил ижтимоий алоқалар бирлигида қабул қилишга асосланган узлуксиз ўз ўзини англаш ҳисси»[4:59] сифатида талқин этади. Олим идентикликни ўзгарувчан ва ўта мураккаблашиб боровчи, беқарор ижтимоий ҳаётга инсонни мослашувчанлиги сифатида тушунади. Идентиклиكنинг шаклланиш жараёни нафақат инсоннинг маданияти, балки жамият маданиятига асосланган ҳолда шахсий ва ижтимоий идентиклик ҳамкорликда шаклланади ва инсоннинг ижтимоий-психологик барқарорлигини таъминлайди. Норвегиялик антрополог Томас Хюлланд Эриксен фикрича замонавий жамиятда кўплаб ижтимоий идентификациялар инсонда мансублик туйғусини таъминлаши мумкин, масалан, тил, яшаш жойи, қариндошлик, фуқаролик, миллат, оила, ёши, маълумот, сиёсий қарашлар, жинс, синфий ва диний мансублик. «Ижтимоий идентификация инсоннинг қайси гуруҳларга мансублиги, одамлар «Биз» ва «Бегоналар» ўртасида кўринмас, аммо ижтимоий аҳамиятга эга чегараларни қандай ўрнатиши ва қўллаши билан боғлиқ»[5:45]. Идентитлик ўзини бошқа инсонлар, ғоялар, қадриятлар, меъёрлар, эътиқодларга солиштириш оркали тасдиқладиган, ҳеч қачон тугамайдиган, динамик ва доимий жараёндир. Идентиклик инсонда «Мен кимман?», «Менинг бошқалардан фарқим нима?» деган саволлар асосида вужудга келади ва бунда инсон ўзлигини англаш жараёнидаги мураккаб йўлни босиб ўтади[6:22]. Эрих Фромм идентикликни «ўз «Мен»ини легитим тарзда аниқлаш билан боғлиқ инсон қобилятидир» деб тушунади ва «Мен» сўзи остида инсон ўзини бошқараётган ва потенциал имкониятда бўлган фаолиятини тушунади[7:132].

Турли маданиятларнинг «тўқнашуви» натижасида маданий идентификация ҳар доим биринчи ўринга чиқади. Ўн саккизинчи асргача ушбу муаммо маҳаллий, локал характерга эга бўлган, фақат мустамлакачилик экспансияси давридан бошлаб у глобал характерга эга бўла бошлади. Европа мисолида қараганда мустамлакачилар туб халқларни европалаштиришни, аборигенларни маданийлаштириш, уларни тараққиёт билан таништириш сифатида кўрганлар.

Бироқ замонавий жамиятда глобаллашувни ҳаракатлантирувчи куч бу, алоҳида давлатлар эмас, балки трансмиллий корпорациялар, интернет, оммавий маданият ва миграцион оқимлар ҳисобланади. Масалан, миграцион жараёнларнинг жадаллашуви натижасида Европанинг маҳаллий аҳолиси ўз миллий идентиклигига кўпроқ эътибор бера бошлади. Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларидан уруш ва қашшоқликдан қочган, «фаровон» ҳаёт илинжидаги мигрантлар Европа маданиятининг гомогенлигига раҳна солиб, яқин келажакда «европаликлар»нинг миллий қиёфасини тубдан ўзгартитиб юбориши мумкин. Бу ҳолат миллий идентиклик масалаларини кескинлашуви, долзарбланишига сабаб бўлмоқда. Глобаллашув техноқадриятлар мақомини оширибгина қолмай, унинг янги турини, глобал маданиятни шакллантирди. Бу эса миллийликни заифлашувига, миллий қадрият ва анъаналарнинг ўз позицияларини йўқотишига олиб келмоқда. Хусусан, А.Коневанинг фикрича «маданий кодларнинг айнанлиги ва турфа хиллиги идентикликнинг асосини ташкил қилиши билан бирга, ушбу жараённинг статика ёки динамикасини белгилайди. Мазкур маданий кодлар идентификация жараёнлари динамикасини таъминлаш билан бирга уни ҳаракатлантирувчи куч сифатида ҳам намоён бўлади»[8:56]. Л.Гараи ўзининг идентиклик назариясига бағишланган тадқиқотида, идентикликнинг дуаллик ва ўзаро таъсир кучига эга жараён эканлигини қайд қилади. Шунинг билан боғлиқ равишда, идентиклик тил билан узвий боғлиқ матн ахборотни ташувчи, ахборот эса «манتيкий хусусиятга эга»[9:118].

Глобаллашув таъсирида идентиклик ижтимоий ҳодиса сифатида мураккаблашиб, хилма-хиллик, серқирралилик, мослашувчан, яшовчанлик, динамик, нисбийлик, етуклик ва номукамаллик каби хусусиятлар касб этиб, тугалланмаганлиги билан характерланувчи ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлмоқда. Идентикликнинг характери, қўлами, жадаллиги, кишиларни йўналтириш ва сафарбар қилиш қобилияти жамият тараққиётида ижтимоий манба бўлиб, фуқаролар идентиклигини шакллантириш давлат яхлитлиги ва жамият барқарорлигини сақлаш шартидир. Идентикликнинг ажралмас қисми бўлмиш миллий идентиклик миллат борлиги ва ривожининг манбаи, миллий давлатчиликнинг асоси ва мавжудлик шартидир. Одамлар ҳулқ-атворини йўналтириш ва тартибга солиш учун дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган янги қадрият мўлжални, миллий ғурурни шакллантирувчи, миллий идентикликни қайта ва қайта яратишга қодир миллий идеаллар, ғоялар ва мафкурани ривожлантириш борасида алоҳида тадқиқотлар олиб борилишини глобал интеграция даври талабига айланмоқда.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 2021. – Б. 295.
2. Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. Тошкент, “NOSHIR”, 2015. – Б. 41-42.
3. Острецов В. Фрейд и «Бнай - брит» // <http://www.realisti.ru/main/nauka?id=456/> 2013// Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. Тошкент, “NOSHIR”, 2015. – Б. 28.
4. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. М.: Прогресс, 1996. С. 59
5. Эриксен Т.Х. Что такое антропология? Издательский дом Высшей школы экономики. 2014. – С. 45.
6. Фромм Э. Бегство от свободы. М.: АСТ. 2009. – С. 22.
7. Фромм Э. Революция надежды. СПб: Ювента: 1999. С.132.
8. Конева А.В. Понятие и структура социального суждения // Вопросы философии. № 5. 2016. – С. 56.
9. Garai, Laszlo. Complementarity of Information Theory and Identity Theory in the Human Sciences, Voprosy Filosofii, Vol. 5. 2019, pp.118.